

## ПОЛИЭФИР ТОЛАЛИ ПОЛИСАХАРИДЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИ АСОСИДАГИ ТАБИЙ ПОЛИМЕРНИНГ АЙРИМ СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИ ТАХЛИЛИ

**Асадова Раъно Дилмуратовна**

И. Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университети

---

### ARTICLE INFO.

---

**Key words:** нефтгаз саноати, төг металургия кимматбаҳо рудаларни ўзлаштириш, тўқимачилик, фармацевтика, парфюмерия, озиқ-овқат, қурилиш

---

### Abstract

---

Хозирда дунё миқиёсида турли саноат корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаб турли композицион маҳсулотлар олиш борасида жадал амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада истиқболли инновацион лойиҳалар стартап даражасида турли саноат тармоқларида ишлаб чиқариш негизида бўй кўрсатмоқда. Натижа эса турли каттава кичик бизнесларни ривожланишига, рақобатбардош импорт ўрнини боса оладиган экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига энг асосийси атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олишга олиб келмоқда. Саноат корхоналари чиқиндилари, жумладан, турли саноат тармоқлари, яъни нефтгаз саноати, төг металургия кимматбаҳо рудаларни ўзлаштириш, тўқимачилик, фармацевтика, парфюмерия, озиқ-овқат, қурилиш, каби соҳа тармоқларидан чиқаётган турли кўринишдаги 5-10% дан 45-50% гача бўлган чиқиндиларини қайта ишлаш зарурати мавжуд.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Хозирда дунё миқиёсида турли саноат корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаб турли композицион маҳсулотлар олиш борасида жадал амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада истиқболли инновацион лойиҳалар стартап даражасида турли саноат тармоқларида ишлаб чиқариш негизида бўй кўрсатмоқда. Натижа эса турли каттава кичик бизнесларни ривожланишига, рақобатбардош импорт ўрнини боса оладиган экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига энг асосийси атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олишга олиб келмоқда. Саноат корхоналари чиқиндилари, жумладан, турли саноат тармоқлари, яъни нефтгаз саноати, төг металургия кимматбаҳо рудаларни ўзлаштириш, тўқимачилик, фармацевтика, парфюмерия, озиқ-овқат, қурилиш, каби соҳа тармоқларидан чиқаётган турли кўринишдаги 5-10% дан 45-50% гача бўлган чиқиндиларини қайta ишлаш зарурати мавжуд.

Ажralиб чиқган чиқиндиларни механо-кимёвий ва бошқа турдаги усууллар ёрдамида қайта ишлаб, асосида органик моддалар ва улар асосидаги материаллар, композицион таркибли реагентлар ишлаб чиқариш хозирда муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида мавжуд

саноат корхоналарнинг ишлаб чиқаришдаги жиҳозлар, яъни доимий технологик кетма кетлик тамоилларига тубдан ўзгаришлар билан ўз таъсирини ўтказиб – корхонада реконструкция ҳамда модеренизация қилиш вазифаларини босқич босқич юклаб боради.

Тадқиқот давомида майший ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толаларини, ҳамда табиий толали текстил ҳамда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқиндилари асосида композицион полимерлар олишнинг инновацион-стартаб технологияларини яратиб кенг миқиёсда ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан характерли саналади. Бу борада мамлакатмизда хом ашё базаси етарли даражада бўлиб, майший ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толаларини, ҳамда табиий толали текстил ҳамда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқиндилари объект сифатида фойдаланиш тавсия этилади, лекин уларнинг ишлаб чиқаришга тадбиғи хамон оқсоқланмода.

Маҳаллий саноат корхоналарининг толали хом ашёлари, яъни майший ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толаларини, ҳамда табиий толали текстил ҳамда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқиндилари объект сифатида фойдаланиш мумкин. Олиб борган тадқиқотларимиз айнан ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толаларини, ҳамда табиий толали текстил ҳамда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқиндиларини механо-кимёвий қайта ишлашга йўналтириш тадқиқоти саналади. Бунинг натижасида турли соҳа тармоқлари учун, жумладан полиэфирли саноат корхоналарининг толали чиқиндилари асосида нефт ва газ саноати бурғулаш қоришмаларини стабилловчи реагентлар олишда оралиқ ва иккиламчи маҳсулотларни олиниши характери саналади.

Маҳаллий саноат чиқиндилари, яъни полиэфирли саноат корхоналарининг толали чиқиндилари асосида нефт ва газ саноати учун ПолиПац бурғулаш қоришмаларини стабилловчи эфирини олиш ва кимёвий технология жараёнларини ўзлаштириш, уларни қўлланилиш соҳаларини белгилашда, синтези давридаги аниқ таъсири этувчи параметрларни хосил бўлаётган маҳсулотнинг айрим сифат кўрсаткичларига таъсири муҳим саналади. Бунда жараён кетма-кетлиги ундаги босқичларни ўзгарувчан холатларда юқори аниқликда қарор қабул қилиш талаб этилади. Юқорида келтирилган характерли ёндошувлар асосидаги тадқиқот натижалари соҳадаги хозирги куннинг муҳим муаммоларини ечишга қаратилганлиги билан аҳамиятли саналади.

**ПОЛИЭФИР ТОЛАЛАР** — полиэтилентерефталатдан тайёрланадиган синтетик толалар. Иссиққа чидамлигига кўра, Полиэфир толалар маълум бўлган барча табиий ва синтетик толалардан устун туради. Полиэфир толалар ишқаланишга, ёруғлик нури, ишқорларнинг қайноқ ва концентрланган эритмалари таъсирига чидамли. Техник полиэфир толалар конвейр ва турли механизмлар учун узатувчи тасмалар, арқонлар, фильтровчи материаллар ва бошқалар тайёрлашда ишлатилади. Тўқимачилик иплари (кримплен, мелан ва б.), трикотаж, турли матолар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Савдодаги номлари: лавсан (МДҲ мамлакатлари), терилен (Буюк Британия), дакрон (АҚШ), элана (Полша), тесил (Чехия).

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг бошланғич даврларида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарининг майший ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толали, ҳамда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқиндилари объект сифатида фойдаланмиз.

Биргина Самарқанд вилоятида бугунги кунда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўқимачилик саноати тармоғининг 27,2 фоизини ташкил этмоқда. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари сони вилоятда 24 тани ташкил этиб, ушбу корхоналар Самарқанд шаҳрида 12 та, Ургут туманида 6 та, Пайариқ туманида 3 та, Самарқанд туманида 2 та ва Оқдарё туманида 1 тани ташкил этади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 42 006 минг квадрат метрни ташкил этиб, амалда 37 913

минг квадрат метрни гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Соҳада бугунги кунда 3661 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилмоқда.

2020 йилда енгил саноат маҳсулотлари экспорти режаси 95 миллион долларни ташкил этиб, шундан 40,6 фоизи ёки 38,7 миллион доллари гилам ва гилам маҳсулотларига тўғри келади.

Бунинг полиэфир толали чиқиндилари 5% дан 15% гачанни ташкил этади, яъни 3 033 минг квадрат метр – 1000тонна полиэфир толали чиқинди дегани.

### **Мис амияк эритмасида майший ва гигиеник воситалар учун ишлатилинадиган полиэфир толали маҳсулот чиқиндилари таркибидаги полисахаридлар таркибини аниқлаш**

#### **Жадвал-1**

№	Намуналар номланиши	Полисахари д-лар миқдори, %	Сифат кўрсаткичлари		Полиэфир тола миқдори, %	Сифат кўрсаткичлари	
			ПД	Бўкув-чанлик		Молекул я масса	Характеристи к қовушқоқлик
1	Намлантирилган сочиқ	12	420	150	88	29874	72,1
2	Болалар таглиги (памперс)	87	510	155	13	20148	61,4
3	Юваниш сочиғи	69	140 0	150	31	34478	0,92
4	Қўл сочиғи	48	900	150	52	32127	0,87

Полиэфир толалари таркибида неча фойиз полисахаридлар ташкил этканлигини 1-жадвал орқали изохлаш мумкин. Яъни турли обьект намуналари мис амияк эритмасида ишлов берилганда жадвалда кўрсатилган сифат кўрсаткичига эга полисахарид ҳамда полиэфир толаларининг миқдори келтирилган. Бунга кўра намлантирилган сочиқ таркибида 12% полисахарид, 88% полиэфир толалар мавжуд. Болалар таглиги таркибида эса 87% полисахаридлар 13% полиэфир толалар композицияси мавжуд экан. Юваниш сочиғи ва қўл сочиқлари таркиби ҳам шу аснода текширилди ва натижалар жадвалдан ўрин олди.

Куйдаги жадвалда эса полиэфир толали полисахаридлар композициялари асосидаги табиий полимернинг айрим сифат кўрсаткичлари келтирилган.

### **ПОЛИЭФИР ТОЛАЛИ ПОЛИСАХАРИДЛАР КОМПОЗИЦИЯЛАРИ АСОСИДАГИ ТАБИЙ ПОЛИМЕРНИНГ АЙРИМ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*(Юқоридаги каврак цеплюлозасининг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 11208-82, ТУ 24095100-02:2014. ГОСТ 595-79. да келтирилган меъёрларга мос келиши аниқланди)*

#### **Жадвал-2**

Намуналар кўрсаткичи	Намуналар номланиши			
	1 Намлантирилган сочиқ	2 Болалар таглиги (памперс)	3 Юваниш сочиғи	4 Қўл сочиғи
Цеплюлоза унум	12	87	69	48
α-цеплюлоза, %	98,5	99,6	98,7	98,8
Полимерланиш даражаси	420	510	1400	900
Намлик, %	3,8	4,7	4,6	4,2

Яъни хар бир объект учун турлича сифат қўрсаткичлар аниқланган бўлиб, намлантирилган сочиқнинг унуми 12%, полимерлагниш даражаси 420, намлиги 3,8% ни ташкил этмоқда. Боллалар таглиги унуми 12%, полимерлагниш даражаси 420, намлиги 4,7% ни ташкил этмоқда.

**Адабиётлар.**

1. Primqulov M.T., Rahmonbtrdiev G`., Murodov M.M., Mirataev A.A. Tarkibida sellyuloza saqlovchi xom ashyni qayta ishlash texnologiyasi. O`zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyati. Toshkent, 2014.
2. “Получение натрий – карбоксиметилцеллюлозы из льняной целлюлозы твердофазным способом в лабораторных условиях” Аксенчик К.В. <https://cyberleninka.ru/search>